

---

## Бугун, 22 декабр-Энергетиклар куни!

Энергетиклар куни - барча саноат ходимларининг касб байрами бўлиб, йилнинг энг қисқа кунларидан бири - 22 декабрда нишонланади.

Ушбу байрамнинг тарихи 1966 йилга бориб тақалади ва дунёнинг кўплаб мамлакатларида 22 декабрдан расман нишонлана бошланган.

Энергетиклар куни — бу энергетика каби масъулиятли соҳада фаолият юритаётган, энергетика тармоқларини янгилаш ва таъмирлаш билан шуғуллананаётларнинг барчаси учун байрам саналади.

Сана муносабати билан Ўзбекистон тумани ҳокимлиги соҳанинг барча фидойиларини, фахрийларини, хусусан туман электр таъминоти корхонасининг барча ходимларини касб байрами билан самимий қутлаб, уларга, энг аввало, сиҳат-саломатлик, оилаларига фаровонлик, хонадонларига қут-барака ва соҳавий ютуқлар тилайди.

2023-12-22 11:35:47